

---

## "Яшил макон" лойиҳаси судьялар ижросида

Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселекторда яшил оламини сақлаш ва яшил ҳудудларни кенгайтиришни давлат сиёсати даражасига кўтариш мақсадида "Яшил макон" лойиҳасига старт берилган эди. ????"Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси Фурқат туманида ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Жумладан бугун 23 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг барча судья ва ходимлари "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш мақсадида, "долзарб 40 кунлик" шиори остида суд биносининг атроф ҳудудига иқлим шароитига мос меваги дарахтлар экилди ҳамда манзарали дарахтларга керакли ишлов берилди.

---

2021-11-23 16:28:45